

**1- СЕМЕСТР АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН
ҮҚУВ-УСЛУБИЙ
МАТЕРИАЛЛАР**

1-Мавзу: Натюрморт

Натюрморт – тасвирий санъатнинг ўзига хос мустақил туридир. Натюрморт – жонсиз табиат деган маънони билдиради. Натюрмортда кўпинча уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, сабзавот-мевалар, гуллар, паррандалар ва шу каби нарсалар тасвирланади. Натюрморт тузиш – ижодий ишдир. Шунинг учун 1-курсда талабаларга илк мавзу қилиб ишлаш вазифаси қўйилган. Натюрмортда мусаввирнинг диidi ва лаёқати, композицияни фикрлай олиш маданияти намоён бўлади. Тасодифан териб қўйилган нарсаларни натюрморт деб бўлмайди.¹



Мазмунли натюрморт асари яратиш фикри мусаввир хаёлида узоқ давом этган кузатишлар ёки бирор нарсадан таъсиrlаниш натижасида пайдо бўлиши мумкин. Ижодкорнинг кўз ўнгида бўлажак асар – натюрморт

¹ Daniel Burleigh Parkhers- The Painter In Oil/ 119b

гавдаланади. Унга мос нарсалар танланиб, хомаки эскизлар чизилади. Эскизлар асосида композиция яратилади.

1. Мавзу танлаш;
2. Натюроморт мавзусига мос нарсалар ва газмол матолар танлаш;
3. Буюмларнинг шакл тузилиши, ранг ва тусларни бир-бирига монанд жойлаштириш;
4. Нарсаларнинг катта-кичиклиги, ҳажми, модели ва ёритилиш хусусиятларига ижодий ёндашиш;


Натюромортлар тузилиш мақсадига қараб ўқув ва ижодий бўлиши мумкин. Ўқув натюромортлари ижодий натюромортдан, албатта, фарқ қиласи. Ўқув натюромортлари маълум дастур талабини ўрганиш учун бажарилади.



Рангтасвир асари буюмларнинг барча хусусиятлари, шакли ва ранги, қаттиқ-юмшоқлиги, сиртининг ялтироқ ёки хиалигига қараб тасвиirlанади. Ҳаққоний тасвиirlанган натюроморт асаридан меванинг мазаси, гулларнинг

ҳиди келиб туради. Бунга эришиш учун рангшунослик назариясини, бўёқларнинг хусусиятларини яхши билмоқ керак, тасвир ва натура ўртасида нисбат уйғунликларини тўғри ифодалай олиш талаб этилади.

Натюортда нарса, буюмларнинг ёруғ-соя кучларини фарқлашни ўрганишда, бир хил рангдан фойдаланиб гризайл усулида бажариш мақсадга мувофиқдир.



Гризайл усулида ишлаш

Гризайл усулида акварель, гуашь, мойбўёқ ва бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин. Гризайл учун одатда тўқ ранглар танлаб олинади.

Натюортнинг қалам эскизига мувофиқ нарса ва буюмларнинг чизиқли расми бажарилади.

Қоғоз юзасида композиция аниқланиб олингандан сўнг энг ёруғ ва энг соя жойлари аниқ чегараси белгилаб чиқилади. Натюортда ранг муносабатларини аниқлашда нарсанинг асл ранг тусларини тоза-ёрқин бирлиги қатлами бўялади. Юзада ҳар бир буюм шакли майдада бўлакларсиз умумий яхлит ҳажми бўяб борилади. Сувбўёқ билан ишлашда оқ бўёқ сифатида қоғознинг ўзидан фойдаланилади.




31 OCT 2013



1 10:25PM



1 16:22pm



2-МАВЗУ: АЁЛ ПОРТРЕТИ ТАСВИРИ НЕЙТРАЛ ФОНДА (ҚИСҚА МУДДАТЛИ, ГРИЗАЙЛЬ)

Портрет инсоннинг шундай тасвиридирики, унда нафақат ташқи қиёфа балки ички дунё ва психологик хусусиятлар ҳам очиб берилади. Портрет бирор шахсга хос бўлган ташқи қиёфани, унинг ички дунёси ҳарактерини акс эттириш билан бирга, маълум тарихий даврга хос фазилатларни ҳам сиймоларда ҳаққоний ифодалаб беради.

Инсоннинг ички кечинмаларини унинг юз тузилиши, нигоҳи, юриштуриши ва кийимида қўриш мумкин. Портрет чизи shaded бошни тасвирлаётib талаба шаклнинг ранг тузилиш тасвирлари усулини эгаллайди, анатомиядан олган билимларни амалда қўллашга ўрганади, ранглар ёрдамида борлиқни ифодалайди.²



“Одам боши тасвири” топшириғи устида муваффақиятли ишлаш учун куйидаги босқичлар асосида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

А) Қоғоз юзасида тасвирий композицион жиҳатдан тўғри жойлашириш, бошқача айтганда, бошни шундай жойлашириш керакки, у планшетга

² Худайберганов Р.А. “Рангшунослик” Ўкув-кўлланма. Тошкент МРДИ. 2002й.

тортилган қофоз парчасининг юқорисида осилиб қолмаган, шунингдек, бош тасвири пастга ҳам тушиб кетмасин, бош тасвири қофозда “эркин нафас олсин”, мутаносиб бўлсин;

- Б) Бош шакли хусусияти, мутаносиблигини тўғри билиш;
- В) Бош шакли қурилмасини тўғри қуриш;
- Г) Ёруғлик – соя ва ранг ёрдамида бош ҳажмини тўғри акс эттириш;
- Д) Бош миддионлигини бериш;
- Е) Умумлаштириш, умумийликка олиб келиш, ўта ёруғлиқдан, энг иссиқ рангдан, ўта совук рангга ўтиш.



Одам бош тасвирини ишлаш рассомдан кўпдан-кўп билим талаб қиласди. Бундай талаблар ўқиш ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий тажрибалар тўплашни, уларни ишда қўллай билишни тақозо зтади. Одам боши ва танасини рангтасвирини ишлашдан аввал натюромортларни пухта иглашни ўрганиб олинган бўлиш керак. Акс ҳолда яхши натижаларга эришиш мушкул бўлади. Одам боши тасвирини иглашни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолдаги бир нечта босқичларга бўлиш мумкин. Улар қуйидагилардир:

1.Бош тасвирини «гризайл» техникасида бажариш.

2.Бош тасвирини кундузги ёруғлик шароити мұхитида тасвирлаш.

3.Бош тасвирини сунъий ёритилғаи ҳолатини акс эттириш.

4.Бош рангтасвирини очиқ ҳавода «пленер»да тасвирлаш.

Одам боши рангтасвирини ишлеш «гризайл» техникасини үзлаштириб олингандан кейинги мұхим қисмлардандир. Маълумки тасвир ишлеш хоҳ у қаламтасвир бўлсин, хоҳ рангтасвир бўлсин, академик усулда шартлари босқичларга бўлиб олиб борилади. Бундай бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, методик кетма-кетликда фаолият юритиш ўқув-машқ вазифани муваффақиятли бажаришнинг омили бўлиб хизмат қиласади.

Бош рангтасвирини ишлеш албатта бир нечта ёрдамчи қаламлавҳалар ишлаб кўриш, жой танлаш, қиёфачи бошининг ўзига хос шаклий хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Улардан унумли фойдаланган ҳолда матога бошнинг қаламтасвири чизилади. Кўйилманинг рангдаги кўриниши қандай эканлигини ҳам бир-нечта кичик ранг-лавҳалар ишлаб кўриш орқали тушунилади. Бунда унинг соя-ёруғлик муносабатлари, ранг хусусиятлари, яхлитлиги, катта шаклни белгилаб тусини ортиқ фонга нисбати қандайлиги аниқлаб олинади. Ана шуларни тайёрлаб, синчковлик билан машқ қилиб кўрилган қалам ва рангли лавҳалар ёрдамида асосий вазифа – академик иш муфассал бажарилишига эришилади.









З-МАВЗУ: ЭРКАК ПОРТРЕТИ ТАСВИРИ

Маълумки илгариги маърузаларда айтиб ўтилганидек рангтасвир ишлашда чизилаётган нарсанинг ранги(тон)ни тўғри акс эттириш, шунга мувофиқ рангини бериш муҳим аҳамиятга эга. Бош тасвирини ишлаш машқларида ҳам бу асосий нарсадир. Бунинг учун аввал тасвирни тўқочлигини, шакл хусусиятларини топиб тасвирлашни ўрганиб олиш керак. Бунда гризайл техникасида машқ ишини бажаришга тўғри келади. Чунки шундай қилинганда бошни ҳажмдорлиги, шаклинин юзага чиқаришни ўрганиш қулайдир. Ундан ташқари битта ранг туси билан тасвир ишланганда кўпроқ буюмнинг (натюромортда), бошнинг (портретда) шаклига ва ҳажмини кўрсатишга кўпроқ эътибор бериш мумкин бўлади. Чунки ранг товланишлари, жилвадорлиги бунда иккинчи даражали ҳисобланиб туради. Бундай ҳолда мўйқалам ишлатиш техникаси, усулларини ҳам маълум даражада такомиллаштириб олиш имкони туғилади.



Бош тасвирини ўрганиш одатдагидек чизилаётган шахснинг ўзига хос томонларини «тадқиқ этиш»дан бошланади. Бунинг учун аввал қаламчизмалар, бир нечта кисқа-кисқа муддатли ранглар ҳалар бажарилади. Битта рангда, қўпинча жигарранг «марс»ни ёки қора рангни оқ билан қўшиб

ишланадиган тасвирда одам бошининг шакл, тўқ-очлик муносабатлари, фонга нисбатан қандай яхлитлиқда кўриниши, ундаги асосий қисмларнинг тархи белгилаб олинади. Ана шундай ёрдамчи иш бажарилгач асосий вазифани бошлаб, батафсил тасвирни ишлашга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ўқув-машқ вазифа куйидаги тартибда олиб борилади:


1. Бош ва кийим қисмларининг ёруқлик ва соясининг фонга нисбатан яхлитлигини катга шаклини топиш.
2. Шаклни қисмма-қисм барча бўлакларини ўрганиб, батафсил акс эттириб чиқиши.
3. Умумлаштириш ва тасвири тус-ранг ҳамда тузилиш «конструктив» жиҳатларини яхлит кўриниш ҳолатига олиб келиши.



Юқорида келтириб ўтганимиз уч босқичдан биринчиси аввалги амалий вазифаларни бажариш пайтида анча-мунча ўзлаштириб олинган бўлганлиги сабабли осон бажарилади. Кейинги икки босқич эса эндиғи бўладиган машғулотляр натижасида ўрганилиши кўзда тутилган. Иккинчи босқичда асосан бошнинг барча муҳим ҳисобланувчи қисмлари алоҳида-алоҳида синчиклаб, ҳажми ва шаклини чукур таҳлил қилган ҳолда иложи борича


батафсил ишлаб чиқилади. Аммо батафсиллик умумий катта шаклга ва катта ранг умумлашмаларига путур етказмаслиги керак. Ҳар бир кичик унсур ранги ҳамда шакли ишланар экан унинг катта ҳажмга ва умумий ранг гаммасига нисбати эътиборда ушлаб турилиши зарур шартлардан биридир.

Бош тасвири майда қисмларини, айниқса қўз, қош, бурун, оғиз, қулок кабиларни акс эттириш жараёни жуда нозик ва қўп меҳнат талаб этадиган ишдир. Уларни тасвирлагандага қўп нарсаларни ақл ва тажриба билан ҳал қилиш керак.



Масалан, баъзи укуви кам талабалар қўз, қош, бурун, оғизни чизиқлар билан ифодалаб қўя қоладилар, уларнинг ўз шакли, ҳажми мавжуд эканлигига чуқур эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, ҳар бир шаклнинг бўртиб соя-ёруғга эга бўлиб, ҳажми ранги ўзгача эканлигини сезиб олиш қийин эмас. Бунинг учун уларни ўзаро фарқларини солиштириб аниқлаш ва ўхшатиб акс эттириш мумкин. Бунда уларнинг рангидаги фарқларни ҳам мустасно қилиш керак эмас.


Бошнинг нисбати унинг ранги, тўқ ёки очроқ тусга эга эканлигини тўғри, аниқ топиб тасвиirlаш иши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда бошнинг ҳар бир қисми батафсил ишланишига қарамай умумий қўриниши яхлит қабул қилинишига эришиш тақозо этилади. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, унда талаба тасвир этилаётган бош тасвиридаги соя-ёруғликларни тўғри ишламай жуда тўқ ёки оч қилиб қўяди.




Бош тасвирини ишлаганда унинг қандай қўринишига таъсир этувчи композиция марказига ҳам кўп нарса боғлиқ. Композиция яхши топилган ва у тус, ранг, тўқ-ёруғ муносабатлари билан юзага чиқарилган бўлса, машқ-вазифа ижобий натижা бериши аниқ.³

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, машқлар фақат аудиториядаги ишлар билан чекланмаслиги керак. Уй ишларини тез-тез ва қунт билан адо этиш талаба билими ва тажрибасини оширишнинг муҳим омилидир.

³ Daniel Burleigh Parkhers- The Painter In Oil/ 119b







4-Мавзу: Одам боши тасвири (кекса аёл портрети)

Одам боши рангтасвирини ифодалаш энг мураккаб вазифалардан хисобланади. Чунки қүёшда қорайиб ранг олмаган одам териси жуда нозик ранг тусларида бўлади. Уни тасвирлаш, ранг-тусини ўхшатиб ифодалаш анча кийинdir. Кекса аёл портретини ҳар хил кўринишларини турли вазиятларда акс эттириш инсон танаси тузилиши, анатомияси, ўзига хос ўрганишни, пластик ечимини топишни тақозо этади. Шунинг учун чизилаётган одам кексами, ёшми гавдасининг конструктив тузилишини аввало қаламсуратини чизиб ўрганилиши керак. Бунинг учун майда қалам чизмалар, ранглар, шакл ва ранг-тус муносабатларини таҳлил қилиб ўрганиш лозим.



Шундан сўнг энг мақбул, чиройли, кўзга яхши ташланадиган жойдан туриб тасвирни матога тушириш бошланади. Унда гавданинг сатҳда жойлашиши композиция томонлари пухта ўйлаб чизилади. Рангда ишлаганда катта шакл, ранг уйғулигига ҳам алоҳида зътибор билан қаралиши, мутаносиблик барча нарсада ўз аксини топиши керак. Улар эса кекса аёл бош тасвирининг ҳар бир бўлаги ранги, соя ёруғлигига намоён этилади.

Кекса аёл бош тасвирининг соя ва ёруғ жойларини яхлит қилиб ҳам тус, ҳам ранг жихатидан ишлаб чиқищдан бошланиб, ҳажмни кўрсатишга ёрдам берувчи унсурлар-яримсоя ва акс шуълаларни белгилаш билан давом эттирилади, бунда ранг колорити ҳам мувофиқ тарзда кўрсатилади. Айниқса гавданинг қорин ва бел қисмлари ранг жихатидан жуда мураккаб, нозик товланишли тусларга эгалиги билан ажралиб туради. Уларни «нюанс»лар ёрдамида ишлаш мумкин. Бунда ҳам тус, ҳам ранг ўзгаришларининг салгина фарқи ҳам ҳисобга олинади. Одам танаси агар кийим билан тасвирланаётган бўлса, кийим тепа қисмлари шаклига монанд бурмалар ҳосил қилиб туриши ҳисобга олиб ишланади. Акс ҳолда унинг тагидаги бадан сезилмайди ва тана пластикаси бузулади.



Бунинг учун аввалдан матоларнинг қандай бурмаланиб туриши, натюромортлар ишлаш жараёнларида ҳам яхши ўзлаштириб олингани қўл келади. Илгариги маъruzаларда биз одам боши ва юзини қандай ишлаш кераклиги устида тўхталган эдик. Гавда тасвирини бажарганда одамнинг бош ва юз қисмлари бўйин ва бошқа аъзолар билан биргалиқда, узвийликда тасвирланади. Шу томонига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга

мувофиқдир. Чунки уларни пластик ва қурилиш жиҳатидан боғлаб ифода этиш анча мураккаб бўлиб, саъй-ҳаракатлар талаб қиласиган машғулотdir.

Кекса аёл бош рангтасвирини қай йўсинда, қандай кўринишда ишламанг унда албатта қўл тасвирининг ўрни каттадир. Чунки қўл ҳаракатлари, туриш ҳолати орқали гавда, инсон танаси вазиятлари, ҳаракатли ҳолатлари яққол бўртиб кўринади. Қўл яхши акс эттирилса тасвир эътиборли ва тўкис кўриниш касб этади.



Кийимли портретда қўл тасвири хатто инсоннинг «иккинчи юзи» деб ҳам аталиши бежиз эмас. У орқали инсон кайфияти, унинг ички руҳий кечинмалари ҳам бўрттириб кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун қўлга иккинchi портрет сифатида қараб, худди инсон юзини қандай эътибор билан ишланса уни ҳам шундай диққат билан тасвирламоқ керак.⁴

⁴ М.Тошмуратов “Рангтасвир амалиёти” Ўқув услубий-қўлланма 2012й.

**2- СЕМЕСТР АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН
ҮҚУВ-УСЛУБИЙ
МАТЕРИАЛЛАР**

1-МАВЗУ: ПОРТРЕТ (ЁРУҒЛИК ЁН ТАМОНИДАН)

Портрет ишлашни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолдаги бир нечта босқичларга бўлиш мумкин. Улар қуидагилардир:

- 1.Бош тасвирини «гризайл» техникасида бажариш.
- 2.Бош тасвирини кундузги ёруғлик шароити мухитида тасвирлаш.
- 3.Бош тасвирини сунъий ёритилгаи ҳолатини акс эттириш.
- 4.Бош рангтасвирини очик ҳавода «пленер»да тасвирлаш.




Юкорида айтиб ўтилганидек тасвир ишлашда чизилаётган нарсанинг тузи (тон)ни тўғри акс эттириш, шунга мувофиқ рангини бериш муҳим аҳамиятга эга. Бош тасвирини ишлаш машқларида ҳам бу асосий нарсадир.- Бунинг учун аввал тасвирни тўқ-очлигини, шакл хусусиятларини топиб тасвирлашни ўрганиб олиш керак. Чунки ранг товланишлари, жилвадорлиги бунда иккинчи даражали ҳисобланиб туради. Бундай ҳолда мўйқалам ишлатиш техникаси, усууларини ҳам маълум даражада такомиллаштириб олиш имкони туғилади.

Бош тасвирини ўрганиш одатдагидек чизилаетган шахснинг ўзига хос томонларини «тадқиқ этиш»дан бошланади. Бунинг учун аввал қаламчизмалар, бир нечта кисқа-кисқа муддатли ранглар ҳалар бажарилади. Битта рангда, кўпинча жигарранг «марс»ни ёки қора рангни оқ билан қўшиб ишланадиган тасвирда одам бошининг шакл, тўқ-очлик муносабатлари, фонга нисбатан қандай яхлитликда кўриниши, ундаги асосий қисмларнинг тархи белгилаб олинади. Ана шундай ёрдамчи иш бажарилгач асосий вазифани бошлаб, батафсил тасвирни ишлашга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Узоқ муддатли тасвирда эса ҳар бир майда унсур ҳам эътиборга олиниб аник ишланади.⁵



Маълумки тасвир ишлаш хоҳ у қаламтасвир бўлсин, хоҳ рангтасвир бўлсин, академик усулда шартлари босқичларга бўлиб олиб борилади. Бундай бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, методик кетма-кетлиқда фаолият юритиш ўқув-машқ вазифани муваффақиятли бажаришнинг омили бўлиб хизмат қиласди.

⁵ Daniel Burleigh Parkers- The Painter In Oil/ 129b



Бош рангтасвирини ишлаш албатта бир нечта ёрдамчи қаламлавҳалар ишлаб кўриш, жой танлаш, қиёфачи бошининг ўзига хос шаклий хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Улардан унумли фойдаланган ҳолда матога бошнинг қаламтасвири чизилади. Қўйилманинг рангдаги кўриниши қандай эканлигини ҳам бир-нечта кичик ранг-лавҳалар ишлаб кўриш орқали тушунилади. Бунда унинг соя-ёруғлик муносабатлари, ранг хусусиятлари, яхлитлиги, катта шаклни белгилаб тусини ортиқ(фон)га нисбати қандайлиги аниқлаб олинади. Ана шу тайёрлаб, синчковлик билан машқ қилиб кўрилган қалам ва рангли лавҳалар ёрдамида асосий вазифа-академик иш муфассал бажарилишига эришилади.

Ўқув-машқ вазифа қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Бош ва кийим қисмларининг ёруклик ва соясининг фонга нисбатан яхлитлигини катта шаклини топиш.
2. Шаклни қисмма-қисм барча бўлакларини ўрганиб, батафсил акс эттириб чиқиши.

3. Умумлаштириш ва тасвири тус-ранг ҳамда тузилиш «конструктив» жиҳатларини яхлит кўриниш ҳолатига олиб келиш.



Юқорида келтириб ўтганимиз уч босқичдан биринчиси аввалги амалий вазифаларни бажариш пайтида анча-мунча ўзлаштириб олинган бўлганлиги сабабли осон бажарилади. Кейинги икки босқич эса эндиги бўладиган машғулотляр натижасида ўрганилиши кўзда тутилган. Иккинчи босқичда асосан бошнинг барча муҳим ҳисобланувчи қисмлари алоҳида-алоҳида синчиклаб, ҳажми ва шаклини чуқур таҳлил қилган ҳолда иложи борича батафсил ишлаб чиқилади.

Аммо батафсиллик умумий катта шаклга ва катта ранг умумлашмаларига путур етказмаслиги керак. Ҳар бир кичик унсур ранги ҳамда шакли ишланар экан унинг катта ҳажмга ва умумий ранг гаммасига нисбати эътиборда ушлаб турилиши зарур шартлардан биридир.

2-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ ТАСВИРИ (РАНГЛАР УЙГУНЛИГИДА)

Одам боши ва гавдаси рангтасвирини ифодалаш энг мураккаб вазифалардан хисобланади. Чунки кийим ичидә туралыган қүёшда қорайиб ранг олмаган одам териси жуда нозик ранг тусларида бўлади. Уни тасвирлаш, ранг-тусини ўхшатиб ифодалаш анча қийиндир. Одам гавдасини ҳар хил қўринишларини турли вазиятларда акс эттириш инсон танаси тузилиши, анатомияси, ўзига хос ўрганишни, пластик ечимини топишни тақозо этади. Шунинг учун чизилаётган одам кексами, ёшли гавдасининг конструктив тузилишини аввало қаламсуратини чизиб ўрганилиши керак. Бунинг учун майда қалам чизмалар, ранглар бажариш, шакл ва ранг-тус муносабатларини таҳлил қилиб ўрганиш лозим.



Шундан сўнг энг мақбул, чиройли, кўзга яхши ташланадиган жойдан туриб тасвирни матога тушириш бошланади. Унда гавданинг сатҳда жойлашиши композиция томонлари пухта ўйлаб чизилади. Рангда ишлагандагатта шакл, ранг уйғунлигига ҳам алоҳида эътибор билан қаралиши, мутаносиблик барча нарсада ўз аксини топиши керак. Улар эса гавданинг ҳар бир бўлаги ранги, соя ёруғлигига намоён этилади.

Одам гавдаси унинг соя ва ёруг жойларини яхлит қилиб ҳам тус, ҳам ранг жиҳатидан ишлаб чиқишдан бошланиб, ҳажмни кўрсатишга ёрдам берувчи унсурлар-яримсоя ва акс шуълаларни белгилаш билан давом эттирилади, бунда ранг колорити ҳам мувофиқ тарзда кўрсатилади. Айниқса гавданинг қорин ва бел қисмлари ранг жиҳатидан жуда мураккаб, нозик товланишли тусларга эгалиги билан ажралиб туради. Уларни «нюанс»лар ёрдамида ишлаш мумкин. Бунда ҳам тус, ҳам ранг ўзгаришларининг салгина фарқи ҳам ҳисобга олинади. Одам танаси агар кийим билан тасвирланадиган бўлса, кийим тепа қисмлари шаклига монанд бурмалар ҳосил қилиб туриши ҳисобга олиб ишланади. Акс ҳолда унинг тагидаги бадан сезилмайди ва тана пластикаси бузулади.



Бунинг учун аввалдан матоларнинг қандай бурмаланиб туриши, натюромортлар ишлаш жараёнларида ҳам яхши ўзлаштириб олингани қўл келади. Илгариги маъruzаларда биз одам боши ва юзини қандай ишлаш кераклиги устида тўхталган эдик. Гавда тасвирини бажарганда одамнинг бош ва юз қисмлари бўйин ва бошқа аъзолар билан биргаликда, узвийликда тасвирланади. Шу томонига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга

мувофиқдир. Чунки уларни пластик ва қурилиш жиҳатидан боғлаб ифода этиш анча мураккаб бўлиб, саъй-ҳаракатлар талаб қиласиган машғулотdir.

Инсон гавдасини рангтасвирини қай йўсинда, қандай кўринишда ишламанг унда албатта қўл тасвирининг ўрни каттадир. Чунки қўл ҳаракатлари, туриш ҳолати орқали гавда, инсон танаси вазиятлари, ҳаракатли ҳолатлари яққол бўртиб кўринади. Кўл яхши акс эттирилса тасвир эътиборли ва тўкис кўриниш касб этади.



Кийимли портретда қўл тасвири хатто инсоннинг «иккинчи юзи» деб ҳам аталиши бежиз эмас. У орқали инсон кайфияти, унинг ички руҳий кечинмалари ҳам бўрттириб кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун қўлга иккинchi портрет сифатида қараб, худди инсон юзини қандай эътибор билан ишланса уни ҳам шундай диққат билан тасвирламоқ керак.⁶

⁶ Абдуллаев С.А. “Рангтасивр асарида композиция муаммолари” Ўқув услубий қўлланма. Тошкент ТГИ. 1994й.

З-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ ТАСВИРИ (МИЛЛИЙ БОШ КИЙИМИДА)

Одамнинг кийимсиз, яланғоч гавдаси, баданини рангтасвирда акс эттириш анча қийин иш. Бу ўқув - академик вазифани бажариш тасвир ишлашнинг деярли барча ёрдамчи босқичларини ўтилгач амалга оширилади. Яланғоч танани тасвирлашда унинг тайёргарлик босқичи, ранглархалар чизиш катга аҳамиятга эга. Чунки унда талабанинг қўйилмадан олган илк тасаввури, таассуротлари мужассам бўлиши маълум. Ранглархалар ҳам ўз навбатида қаламтасвир, тезкор чизгилар амалга оширилгач ишланади.




Улар кўпинча картонларга ишланиши мумкин. Бундай машқлар пайтида тасвир этилаётгай одам қиёфасидаги умумий пластик ва рангта оид жиҳатлар, шу билан бирга яхлитлик масалалари тезкорликда ҳал этилиб бажарилади. Маълумки рангларханча унча кўп муддатда бажарилмайди, энг кўпида бир, баъзан эса икки сеанс ишланиши мумкин. Ана шунда одам қиёфасининг асосий ранг-туси, шакл хусусиятлари ишлаб олиниб ифодали тасвирланади. Маълумки, одам хона ичидаги интеръерда бўлганда у ва ундан ҳар хил масофада жойлашган нарсалар ёки бошқа одамларнинг қиёфаси муҳит ҳолатига мувофиқ ўзгариб кўринади. Бунда тасвирни тасвир объекти

узоқ ёки яқин масофада жойлашганлигига қараб планларга ажратиб акс эттириш йўли қулайдир. Бундай иш ўкув қўйилмасида икки кишидан иборат композициявий вазифани ишлаш талаб қилинганда амалга оширилади.



Мураккаб композицияли, мавзули воқеабанд қўйилмаларни тасвирлаганда хона ичидаги ёруғлик қандай ҳолатда эканлиги муҳим роль ўйнайди. Чунки чизилаётган пайтда тасвир объектиning асосий қисмлари бўрттириб қўрсатилиши, асосий нарсалар юзага чиқарилиши, зарур эмаслари эса хиравоқ акс эттирилиб узоқлаштирилиши талаб қилинади. Шундай муҳит ҳолатларини қўрсатиш албатта ранг-тусларни усталик билан ишлатишни, тажрибани тақозо этади. Ранглар мажмуининг ўзаро уйғунликда тиник-ёрқин ёки хира, туслари сўник қилиб тасвирлаш орқали ҳам мавзу моҳиятини, мазмунини очиб қўрсатиш мумкин. Бу ҳолда ранглар гаммасига, унинг маънодорлигига алоҳида эътибор қаратилади ва унинг «калити» топиб қўлланади.



Хулоса қилиб айтганда, тасвирий воситалар, имкониятлар жуда қўп фақат уларни ўз ўрнида усталик билан қўллашни билиш керак. Маҳоратни, назарий ва амалий билимларни ошириш учун қўп машқ қилиш, изланиш, меҳнатдан қочмаслик керак. Шунда ҳам ўқув машқлар, ҳам ижодий ишлар сифати кафолатланади. Бугунги талаба эртага нафақат яхши мутахассис рассом-педагог балки ижодкор-мусаввир бўлиб етишар, бу эса унинг интилишларига, ҳаракатига боғлиқ. Муҳими, талаба ўз ўқитувчиси томонидан қўйилган ҳар бир вазифани тўлиқ ва бекаму-қўст, вижданан бажариши лозим.⁷

⁷ Daniel Burleigh Parkhers- The Painter In Oil/ 156 b

4-МАВЗУ: ОДАМ БОШИ ТАСВИРИ (МУРАККАБ РАКУРСДА)

“Ракурс ҳолатни тасвирлашни ўрганишдан олдин бажариладиган бошни ён тамондан ва ракурс кўринишларда чизиш” топшириқларига “калла суягини турли кўринишларда тасвирлаш” топшириғи муқаддима бўлиши керак. Бу инсон бош тасвирига ўтишда ниҳоятда зарур. “Калла суягини турли кўринишларда” тасвирлаш бош суягининг тузилиш хусусиятлари ва унинг қисмларининг ўзаро алоқаларини ўрганишни назарда тутади.



Ушбу топшириқ калла суягининг турли кўринишларини ўрганишни тақазо этади. Унинг рўпарадан, тўртдан уч қисм кўриниши ва ён тараф ҳолати чизилади. Бу турли бурилиш ва ракурслар ҳамда бошнинг айрим қисмларининг табиатда жисм ва қоматнинг алоқасидан вужудга келувчи фазода юз берадиган қоидаларига бўйсунувчи жараёни ўзаро мутаносибликни белгилаш кабиларга эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Ракурс – табиатда жисм ва қоматнинг мураккаб ҳолати. Калла суяги рангтасвирини бажаришга камроқ вақт ажратилади. рангтасвири шошмай, шаклнинг фазодаги айниқса ракурсдаги ҳолатини яхшилаб кузатиб, кейин иш бошлаш керак. Бошнинг умумий кўриниши, унинг катталиги ва мутаносиблигини белгилаб олгандан кейин, ўрта (симметрия) чизикни аниқ

мўлжаллаб олиш зарур. Қош, кўз, бурун ва оғизни ифодаловчи чизиқлар ўтказилади, уларнинг орасидаги масофа белгиланади, негаки бош ён тамонга бурилганда ва ракурсда бу чизиқлар орасидаги масофа ўзгаради. Буларнинг барчасини чизмага киритиб ва мутаносибликни яхшилаб текширгандан кейин бошнинг айрим қисмларини аниқроқ ифодалашга киришиш мумкин.



Бунда уларнинг шаклини аниқ берилишига ва умумийлик хусусиятини назардан қочирмасликка ҳаракат қилиш зарур бўлади. Бошнинг ракурс ҳолатларида шакл бирон қисми юзасининг қисқариши ва бошқасининг катталалиши қандай рўй беришини доимо фикран тасаввур этиб бориш керак. Масалан, юқорига кўтарилиган бошда вертикал жойлашган пешона, бурун, яноқларнинг қисқаришини кузатсак аксинча, горизонтал жойлашган кўз доиралари, буруннинг пастки юзаси, лаблар, жағ ва бошқаларнинг катталалишини кўрамиз. Бош пастга эгилганда бу қисмларнинг ҳолати шунга қўра ўзгаради. Суратни қоғоз юзасида жойлаштиришдан бошлиб тугаллашгача жисм ёки қомат тус устидаги ишлар давом этар экан, уни фақат шаклни аниқлаб тузиб олиш учун зарур бўлган даражадагина олиб борилади. Кўпроқ вақт ажратиладиган учинчи босқичда ранг жиҳатдан бажариладиган ишлар шаклни якуний ифодалашга хизмат қиласи ва ҳаққоний тасвир ҳосил қилинади.

Симметрия (ўрта чизик) – рассомликда инсон юзи тасвирида профил чизиги деб ҳам аталади. Калла марказидан ўтувчи чизикқа доимий кўз ташлаб текширадиган ёрдамчи восита сифатида инсон ҳарактерини аниқлашда аҳамияти катта.



Ўкув топшириклари, барча босқичларда вақти-вақти билан калла суюгига мурожаат қилиб туриш, бошнинг маълум вазиятидаги ҳолатидан лаҳзалик чизмалар, ранглавҳалар ва хомаки нусхалар ишлаб бориш бош тасвирини бажаришда яхши натижалар беради.

Бадиий таълимнинг пастки курсида бажариладиган топшириклар талабалар олдиға кейинги курсларда қўйиладиган мураккаб вазифаларни бажаришларига замин тайёрлаб, тасвирланаётган инсон образи ечимларига ижодкорлик билан ёндашишлари, ҳамда психологик мақсадларни амалга оширишларига катта ёрдам беради.⁸

⁸ О.Муинов “Рангтасвир” Ўкув-қўлланма 2007 й.

ГОЛАССАРИ

№	Инглиз	Рус	Ўзбек	<u>Маъноси</u>
1	апликацион	апликация	апликация	театр тюлига матолар тикиб ёки элимлат? безак тайёрлаш усули.
2	пропртиес	бутафория	Бутафор санъати	саҳна учун сўний буюмлар ясаш усули.
3	драперий	драпировка	драпировка	материални букиб йиғиш.
4	инвойсе	фактура	фактура	- безакларга ишлов берганда сунний буртмалар ҳосил қилиш,
5	баскгроунд	фон	фон	саҳнанинг орқа томони кўриниши.
6	макеуп	грим	грим	Актёр юзини образ асосида бўяш
7	приминг	грунт	грунт	Безакларга ишлов беришдан олдин сурладиган ёғоч элим аралаштирилган бўтқа.
8	инвенторий	инвентарь	инвентар	спектаклда ишлатиладиган безаклар, буюмлар, жиҳозларни ҳисоб қитоб қилиш хужжати.
9	фраме	каркас	каркас	қовурға.
10	ссенес	кулис	кулис	саҳнанинг чап ва ўанг томонига ишинадиган пардалар
11	мастис	мастика	мастика	ёғли, гипс, бур, қофоз, пластик коришмаси.
12	инсталляцио н	монтаж	монтаж	спектакл безакларини саҳнага қуриш
13	виew	понорама	понорама	саҳнанинг орқа қисмини ярим доира шаклида тўсиб турувчи мато.
14	Фоам rubber	пороалон	пороалон	синтетик юмшоқ хомашё
15	стйрофоам	пенопласт	пенопласт	пўқак.
16	перспективе	перспектива	перспектива	саҳнада безаклами кетма-кет қуриш.
17	таблет	планшет	планшет	ёғоч пол қилинган саҳна кўриниши.
18	пластис	пластик	пластик	сунний фанер.
19	премиере	премьера	премьера	асами биринчи марта саҳнага кўйилиши.
20	прожестион	проекция	проекция	саҳна экранида фотохужжатлами намойиш қилювчи аппарат
21	пропс	реквизит	реквизит	саҳна анжомлари, кийим, бутафор ва бошқа атрибутлар
22	релиеф	рельеф	рельеф	безакларда ишлатиладиган буртма санъат
23	среам	смета	смета	саҳна жиҳозларига кетадиган моддий харажатлар ҳисоб-қитоб хужжати.
24	мачине	станок	станок	саҳна супаси
25	Стайнед- гласс шиндоу	витраж	витраж	ойнага, тетар тюлига босмаҳона бўёқларида безаклар тайёрлаш усули.
26	асрілате	Акрилат	Акрилат	бўёқламинг замонавий янги тури
27	анилине	Анилин -	Анилин -	саҳна безакларига пуркаладиган

				сиёхли бүёсж
28	ехплюитио н	эксплуатация	эксплуатация	- безаклар, реквизитлардан фойдаланиш
29	Стрерч фабрис	эластик	эластик	сунъий эгилувчан синтетик хом ашё
30	Wоркинг галлерей	Рабочая галерея	Иш галереяси	ишчилар юрадиган осма күприк.
31	сонструстио н	Конструктив	Конструктив	ўзак асосий қисм (ёғоч, темир, курилмалар
32	инсталлатио н	Монтаж	Монтаж	спектакл безакларини сахнага куриш
33	оверҳеад	Накладной	Накладной	спектаклга сарфланган харажатлар хужжати
34	плехиглас	Оргстекло	Оргстекло	сунъий синтетик ойна
35	рамп	Пандус	Пандус	қия текислик яратувчи станок тури
36	Шеет мусис	Пар*тигурा	Пар*тигурा	спектакл давомида иштироқ этувчи ёруғлик шульалари мажмуаси
37	павилион	Павилон	Павилон	Павилон - сахнада уй-жой курилмалари
38	пистол	Пистолет	Пистолет	сахнанинг керакли жойига ёруғлик бравчи электр чироқ
39	Ред лине	Красная линия	Қызыл чизиқ	томошабин пардаси осиладиган жой
40	репетитион	Репетитсия	Репетитсия	актёрлар машқи.
41	сестион	Сексия	Сексия	- зина қисмлари
42	спотлигхұс	Софит	Софит	- сахна чироқлари
43	Супер блиндс	Супер штори	Супер парда	спектакл сахнада кетаётган пайда осиладиган ижро парадаси.
44	Аудиенсе”с блиндс	Зрительские шторки	Томошабин пардаси	антркт пайтида ёпиладиган парда
45	холд	Трюм	Трюм	сахна тагидаги ҳона ёки қуйи сахна
46	тулле	Тюл	Тюл	- сахнага осиладиган шаффофф түр парда.
47	Винные рессервоир	Винипласт	Винипласт	- театр безакларида ишлатиладиган синтетик хомашё тури.
48	лигхтинг	освещения	Ёритиш галереяси	- ёритиш чироқлари ўматилган майдон
49	баск	Задник	Задник	- сахна ортини түсіб турувчи парда
50	темплате	Шаблон	Шаблон	- андоза
51	поскет	Чүнтак	Чүнтак	- сахнага туташган безаклар туралығында қоналар, чап ва ўнг тамонларда.
52	ассент	Акцент	Акцент	(лотинча сўздан. Ассентус - ургу) - Тасвирий санъатда ранг, түе, чизиқ ёки буюм, шаклнинг, чехрани тасвирий санъатда ранг, түе, чизиклар ёрдамида ургу беришдир.
53	абстракт	Абстракционизм	Абстракционизм	мавхум санъат асарларини уз

				ичига олган бадий йўналиш.
54	галлерий	Галерея	Галерея	-тасвирий ва амалий санъат асарлари сакланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган махсус бино. Маълум асарлар туркуми ҳам тушунилади. Масалан, пор трет галереяси.
55	тоне	Тон	Тон	(тус, ранг)- (французча-тон- бўёк бериш)- натурадаги буюм (предмет) ва санъат асаридағи рангта хос ёрқинлик, равшанлик даражаси
56	детайл	Деталь	Деталь	(французча - детайл - муфассаллик, мукаммаллик): 1) элемент; 2) характерли қисм мукаммаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.
57	аутополиграфия	Автолитография	Автолитография	рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлагани
58	сарман	Ватман	Ватман	-рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалинолий нав қоғоз.
59	оптион	Вариант	Вариант	(лотин сўзидан - ўзгарувчан) - санъат асарининг муаллиф томонидан такорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, қомат ҳаракатига, қўл ҳаракатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати.
60	буст	Бюст	Бюст	-одамнинг кўкрагигача тасвирланган қайкали.
61	генре	Жанр`	Жанр	(французча - гензе тур) - тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча. Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (майстрий, тарихий) турларидир.

Фойдаланиладиган адабиётлар руҳати

1. Virgil Elliott Traditional Oil Painting
2. Stacey Goerge Artists Living With Art
3. Noel Gregory , James Horton Oil Painting: Step by Step
5. Xudayberganov R.A. “Kompozitsiya”. O’quv qo’llanma. T.: “Sharq” 2007.
– 203 б.
6. Тошмухамедов М. Рангтасвир. (Олий ўқув юрти, “рангтасвир”
йўналиши учун ўқув
кўланма)
7. Абдуллаев С. А. “Дастгоҳли рангтасвирда композиция муаммолари”,
Ўқув
кўлланма. Т.: ТГИИ, 1996. – 75 б.